



# ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ

## THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT

### ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-12, (December) 2024  
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

**АХМЕДОВ Марифжон Мамирджанович**  
ЎзДК  
“Муסיқий педагогика”  
кафедраси доценти, п.ф.н.

## ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ВА МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи ўқувчиларга билим беради, унинг ўзлаштирилиши жараёнига раҳбарлик қилади, ўқувчиларнинг ҳаракатларини текшириб назорат қилиб боради. Таълимнинг замонавий шароитларида анъанавий методларни такомиллаштиришга ва янги методларни излаб топишга тобора жиддий талаблар қўйилаётир.

Мақтаб машғулотлари ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар, дарс ўтишнинг ноанъанавий усуллари, хусусан, интерфаол усулни жорий этиш яхши самара беради. Мазкур мақолада айнан муסיқа ва чолғу ижрочилиги ўқитувчиларининг замонавий таълимни ташкил этиши ва такомиллаштириш бўйича методик ёндашувлар хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, ўқувчи, касбий тайёргарлик, муסיқий дид, ҳис-туйғу, руҳият, ижрочилик, ижтимоий фаоллик, ижодий муносабат, ихтисослик, мутахассис, тафаккур, мустақиллик.

### АННОТАЦИЯ

В любом случае преподаватель передает учащимся знания, направляет процесс их усвоения, проверяет и контролирует действия учащихся. В современных условиях образования все более серьезные требования предъявляются к совершенствованию традиционных методов и поиску новых методов.

Хороший эффект дает внедрение в учебный процесс школьной деятельности передовых педагогических технологий, нетрадиционных методов обучения, в частности интерактивного метода. В данной статье рассматриваются методические подходы к организации и совершенствованию современного образования учителей музыки и инструментального исполнительства.

**Ключевые слова:** педагог, студент, профессиональная подготовка, музыкальный вкус, эмоция, психика, работоспособность, социальная активность, творческая установка, специализация, специалист, мышление, самостоятельность.

### ANNOTATION

In any case, the teacher imparts knowledge to students, guides the process of their acquisition, checks and controls the actions of students. In modern educational conditions, increasingly serious demands are placed on improving traditional methods and searching for new methods.

Good results are achieved by introducing advanced pedagogical technologies, non-traditional teaching methods, in particular the interactive method, into the educational process of school activities. This article examines methodological approaches to organizing and improving modern education of music and instrumental performance teachers.

**Keywords:** teacher, student, professional training, musical taste, emotion, psyche, efficiency, social activity, creative attitude, specialization, specialist, thinking, independence.

Муסיқа ўқитувчисининг мураккаб касби бир неча муסיқа ихтисосликларини ўз ичига олади, лекин уларнинг шунчаки йиғиндисидан иборат эмас. Педагогик назарияни, тажрибаларни англамай туриб, замонавий ўқитувчи тайёрлашдаги мавжуд амалиётни таҳлил қилмай ва умумлаштирмай туриб бу соҳа ўқитувчисининг қиёфасини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ана шу қиёфа мутахассисга қўйиладиган талабларнинг муайян тизими сифатида намоён бўлиб, бўлажак муסיқа ўқитувчиси шахсини шакллантиришнинг дастури ва йўллари тақомиллаштириш имконини беради. Умумтаълим мактабларида муסיқа ўқитишнинг асосий мақсади – ўқувчиларни эстетик, бадиий ва ахлоқий тарбиялаш, уларда муסיқа маданиятини таркиб топтириш орқали шахсни маънавий шакллантиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам муסיқа тарбияси ёш авлодни уйғунликда камол топтиришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

Хусусан, муסיқа билан шуғулланиш бадиий англаш фаолияти бўлиб, бир қатор омиллари ўз ичига олади. Жумладан, ғоявий эътиқодни шакллантиради, ахлоқий жиҳатдан тарбиялайди, шахсдаги қизиқишларнинг психологик мақсади ва йўналишини белгилайди, ижтимоий кайфиятни вужудга келтиради, ташкил этади ва бирлаштиради, ижтимоий фаолликни тарбиялайди.

Санъатни идрок этиш, ҳис қилиш ва тушуниш қобилиятларини ривожлантиради, эстетик ва муסיқий дидни ўстиради, ақлий камолотни, ижодий фаолликни, тафаккурни, ўқувчиларда ўзига хос хусусиятларни кучайтиради, фикр доирасини кенгайтиради, зарур муסיқий билим, кўникма ва малакалами ҳосил қилади, бўш вақт муамосини ҳал қилишда ёрдам беради.

Айталик, ўқувчи нотадан ўқиш дарсларига суст қатнашади ва берилган вазифаларни вақтида ўзлаштиролмайди. Бу эса ўқувчининг ўзлаштиришига таъсир этиб, қутилган натижани бермайди. Ўқитувчи ўқувчининг ушбу камчилигини тўғрилашга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир улгурмайди. Чолғу ижрочилиги ўқитувчининг асосий вазифаси эса асарнинг бадиий жиҳатлари устида иш олиб боришдир. Лекин ўқитувчи ўзлаштирилмаган матннинг бадиий сифати устида иш олиб бора олмайди.

Натижада ўқувчининг ихтисосликни ўзлаштириши янада сустрлашади. Ўқувчи уйда мустақил бажариши керак бўлган вазифа дарс вақтида ўқитувчи билан ўтилади. Бу ҳолат эса, юқорида келтирилган ўқув жараёнининг бир бутунлигига таъсир этади. Оқибатда қутилган натижа юз бермай, ўқувчининг фаолияти секин-аста сунъий йўналиш касб этади ва "шунчаки ижрочи" бўлиб қолаверади.

Ўз ишини яхши биладиган тажрибали педагог ўқувчини тарбиялашда ҳар бир босқичга катта эътибор билан ёндашади. Кўрсатилган вазифаларни тартиб билан бажарилишига эътиборни қаратади.

Чолғу ижрочилиги ўқитувчисининг зиммасига юклатиладиган вазифалар:

- а) ўқувчининг уй вазифасини текшириш;
- б) уйда ўзлаштирилган асар устида синфда иш олиб бориш;
- в) кейинги дарс учун вазифа бериш.

Синфда асар устида иш олиб бориш, бу - тинглаб кўриш ёки ижро хусусида ўз флкрларини айтиш эмас. Муҳими, ўқувчи устозининг олдида керакли ижрони тўғри ўзлаштира олиши ва уни кўрсатишга ҳаракат қилишдир. Бунинг учун ўқувчи асарга мутаносиб ижро услубларини танлаши, асар шаклини тўла идроклаши, динамик жиҳадарга эътибор бериши лозим.

Натижада, кулоққа ёқадиган овозлами ҳар бир ҳаракатда сезиш мумкин бўлади. Ўқувчи ўзида бундай кўникмалами ҳосил қилиши учун мунтазам тарзда нотадан ўқишни машқ қилиб бориши лозим. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчининг диққатини жалб этадиган, якка ва ансамбл бўлиб ижро этиши мумкин бўлган муносиб асарларни танлаши мақсадга мувофқдир. Хуллас, ўқувчининг ижрочилик амалиётига нисбатан иштиёқини ошириб, интилувчанлик ҳиссини кучайтириш лозим бўлади.

### **Чолғу ижрочилиги ўқитувчисининг дарсга тайёргарлиги.**

Уй вазифасини бажаришда ўқувчи олдида жуда катта масъулият туради. Вазифа бериш вақтида ўқитувчи диққатини энг муҳим нарсага жалб этиши лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун олдиндан дарсга тайёргарлик кўриш жуда фойдалидир. Бунда, энг аввало, ўқитувчи ўқувчининг репертуарини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Ўқитувчи ушбу мусиқий асарларни маромини бир неча ижроларни эшитиб кўриб чиққан ҳолда, ижро услубларини ахшилаб ўйлаб идроклаш керак. Айрим ҳолларда ўқувчи учун ўзлаштириш мураккаб бўлган қисмлами турли вариантларда чалиб бериш ва дарс пайтида ўқувчига кўрсатиб бериш ижобий натижа беради.

Кўпинча дарс шакллари педагогнинг услубий қарашлари, шахсий кўникмалари ва табиати билан характерланади. Ўқитувчи ўқувчи билан дарс ўтиш жараёни қанчалик ранг-баранг бўлишига қарамай, уларинг барчасига тегишли бўлган мезонлар бор. Биринчи навбатда, буни биз ўқитишнинг кетма-кетлик тамойилларида кўришимиз мурнкин. Дарсни нимадан бошласа мақсадга йўналтирилган бўлади.

Энг аввало машқлардани, кичик-кичик асарлардан, бадиий репертуарлардан бошлаш ўринли бўлади. Энг асосийси, ўқувчини бирор тартибга қаттиқ қўниқиб қолиши яхши натижага олиб келмайди. Чунки ижро амалиётида ҳар хил вазият бўлиб қолиши мурнкин. Ўқувчининг турли шароитларда ўзини йўқотиб қўймасдан, вазиятга тезда мослашиши талаб этилади. Шундай вазиятда биринчи навбатда қандай ишлаш муҳимлигини аниқлаб олиш керак.

Асарларинг энг мушкул жойларига эътибому қаратиш ва мақсадли ёндошиш ижобий натижалар беради. Дарсинг ўртасида диққатни варақдан ўқиш ва гаммалар ижро этишга қаратилса яхши бўлади. Бундай чекинишлар Ўқувчи диққатини тозалайди. Бундай машқлами охирига сурган ўқувчи, одатда уни мунтазам тарзда бажара олмайди. Ҳар қандай дарсни маълум тартибда ва қизиқарли ўтказиш жуда муҳимдир.

### **Вазифани текшириш.**

Ўқувчининг мустақил бажарган уй вазифасини текширишда ўқитувчининг қарашларидан келиб чиқилади. Бу жараён икки ҳолатдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Биринчиси, ўқувчининг уй вазифасини тўла бажарганлигидан, иккинчиси бунинг аксидан. Буни англаб олиш ўқитувчи учун жуда муҳимдир.

Шу боис, ўқитувчи дарсинг бошланишида берилган уй вазифасини тўла эшитиб кўриши лозим. Ўқувчининг ижросини тинглаб бўлгач, ўқитувчи вазиятни тушуниб олади ва шунга мос ҳаракат қилади. Мазкур жараён ўқувчининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, ўқувчи бор кучини сарфлайди ва қилинган ишни кўрсатиш учун ҳаракат қилади.

Иккинчидан, ўқувчида шахсий ижрочилик кўникмалари шаклланади. Шунинг учун ушбу услуб педагогик амалиётда ўзининг ижобий томонларини намоеён этган.

Ўқитувчи асари тинглаб бўлиб, унинг ижросидаги барча ўзига хос томонларини эслаб қолиши лозим. Сўнгра унинг ютуғи ва камчиликларини аниқ кўрсатиб бериши керак. Ўқувчининг қай даражада меҳнат қилганини ижродан сўнг баҳолаб олган ўқитувчи, айрим камчиликлар ва нуқсонларни кўрсатмай туриб, ўқувчининг ўзлаштириш даражасини эътиборга олса, унинг кейинги ривожини учун далда бўлиши мумкин. Ўқувчини турли танбехлар билан қўйиш унинг иштиёқига салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис, ўқувчининг камчиликларини қаттиқ қўймасдан, бир меъёрида ва вазиятга қараб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим ўқувчилар ўқитувчининг интилишлари, кўмаги ва албатта, доимий тарздаги танбехларига ўрганган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўқувчи қаттиқ назоратга олиниши фойдали бўлади.

Вазиятдан чиқишнинг эса турли педагогик усуллари мавжуд. Бу усуллар албатта ўқувчига ижро этаётган мусиқанинг характерини тўғри англаб олиши ва яхши натижаларга эришишида кўмақдошдир. Кўп ҳолларда бу нарса берилган асарни ўқитувчининг ўқувчи билан биргаликдаги ижросида ўзини кўрсатади ва камчиликларни оғзаки айтиб, қуй бўлақларини ижро этиб кўрсатиш ҳам амалиётда кенг қўлланиладиган услуб ҳисобланади. Асарни ўқитувчи тўлалигича ижро қилиб беришининг муҳимлиги шундаки, у ўқувчиларнинг руҳияти ва таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Орипова, Раънохон Иброхимовна. "Касбий таълимда фанлаоро алоқадорликни таъминлаш масалалари." *Oriental Art and Culture* 4.2 (2023): 750-754.
2. Oripova, R. I. "Ways to develop the pedagogue's competence in improving the quality of education. StoneDAU." *Pedagogy, psychology and teaching methodology*.
3. Усубжонова, Шохсанам, and P. Орипова. "УСТОЗЛАР МАКТАБИ. ҚАДИМДА МАВЖУД БЎЛГАН КАСБИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР." *Oriental Art and Culture* 4.2 (2023): 809-815.
4. Орипова, P. «МУСИҚА МАДАНИЯТИ» ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ АҲЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ." *Oriental Art and Culture* 3.1 (2022): 627-632.
5. G.M. Sharipova, D.F. Asamova, Z.L. Xodjayeva. *Musiqa o'qitish nazariyasi metodikasi va maktab repertuari. O'quv qo'llanma. Toshkent. 2014. 2.*
6. T. Ortiqov. *Musiqa o'qitish metodikasi. O'quv uslubiy qo'llanma. Toshkent. 2010.*
7. T.Vizgo, A.Petrosyans. *Uzbekskiy orkestr narodnix instrumentov. Tashkent. 1962.*
8. A.X.Liviyev. *Rubob orkestri tashkil qilish metodikasi. Toshkent. 1978. 4.*